

Бугунги кунда республика мида

СТАНДАРТ КАФОЛАТ ДЕМАКДИР

78 та сертификатлаш идораси ва 294 та синов лабораторияси фаолият кўрсатмоқда.

4-бет

НИЗОНИ ТЎҒРИ ҲАЛ ЭТИШ – ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон республикасида табиатга етказилган зарарни ундиришга доир бирорта даъво киритилмаган. Ваҳоланки, Орол денгизининг қуриши натижасида ҳудудда экологик аҳвол ачинарли кўриниш олган.

5-бет

ҚИСМАТ



Кимнинг қалбидан андиша, меҳр-мурувват кетса, кўнглини одамийлик тарк этса, унинг қисмати аччиқ бўлади. Чунки жиноят нафратдан, ғазаб ва ахлоқсизликдан туғилади.

6-бет

ИЗВАЗ ИҶКОЛГАН БОҒЛИКЛАР

Нацистлар Германиясининг кулашига қадар унинг ҳукмдорлари уғирланган 7,5 млрд. долларга тенг олтин ва юзлаб ноёб санъат асарларини беркитиб келдилар.

7-бет

Mustaqillik huquq demakdir

HUQUQ

10

(325)

YURIDIK GAZETA

Mart

D.	1	8	15	22	29
S.	2	9	16	23	30
Ch.	3	10	17	24	31
P.	4	11	18	25	
J.	5	12	19	26	
Sh.	6	13	20	27	
Y.	7	14	21	28	

2004

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

Одамзот ақлини танигандан бошлаб то умрининг охиригача унга ҳаёт берган, оқ юзиб, оқ тараган муқаддас зот — Она олдида ўзини доимо қарздор деб ҳис қилади.

Эркакни эркак, оилани оила қиладиган, умуман ҳаётимизга маъно-мазмун бағишлайдиган, бизни одамийлик, мардлик ва олижанобликка, ҳақиқий инсон бўлишга чорлайдиган аёлнинг меҳр-муҳаббати ва заҳмати ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Ҳозирги мураккаб даврнинг қайси томонини олмайлик, асрлар тажрибасидан ўтган бу ҳақиқатни барчамиз ҳамиша ҳис этиб яшаймиз.

Шу сабабли ҳаётнинг ташвишини ҳам, қувончини ҳам биринчи галда сезадиган, таъбир жоиз бўлса, жамиятимизнинг ҳарорат даражасини аниқ акс эттирадиган — бу аёл зоти, деб айтсак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

(Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига йўлаган байрам табригидан)

RESPUBLIKA BOSH PROKURATURASIDA



МАЪЛУМКИ, аёлнинг жамиятдаги кадр-қиммати, тутган ўрнига қараб ҳам бу жамиятда инсоннинг қай даражада улуғлигини англаш мумкин. Юртимизда аёлларга бўлган эътиборнинг ортиб бораётганлиги, уларнинг ҳаётимизнинг барча жабҳаларидаги фаол иштирокидан ҳам аён бўлади.

Жумладан, республика мида прокуратура органларида ҳам латофатли, назокатли, энг асосийси, ўз ишига пухта опаларимиз, сингилларимиз меҳнат қилишади. Сафимизда улар борлигининг ўзиёқ биз эркакларни жиноятчиликка қарши кураш ва қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида янада самаралироқ ишлашга ундайди.

8 март — Хотин-қизлар байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида тадбир бўлиб ўтди. Бош прокурор ўринбосари А.Холмаҳматов ҳамкасб аёлларни Бош прокуратура раҳбарияти номидан қутлар экан, бугунги хушқайфият йил бўйи қалбингизни тарк этмасин, дея тилак билдирди.

Суратда: тадбирдан лавҳа. Абдувоҳид Тўраев олган сурат

TASHRIF



ХОРАЗМ УЧРАШУВЛАРИ

ХОРАЗМ ВИЛОЯТ прокуратурасида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) вакиллари Пер Нурмарк ва Жўрабек Омоновлар билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашув бошида жаноб П.Нурмарк ташкилотнинг тузилиши, фаолияти ва вазифалари тўғрисида маълумот берди.

Шундан сўнг вилоят прокурори Д.Исроилов вилоятда жиноятчиликка, жумладан гиёҳвандликка қарши кураш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида ахборот берди.

Вилоятда гиёҳвандликка қарши кураш уч йўналишда олиб борилди. Биринчидан, героин олиб келувчи ва сотувчиларни фош этиб, жавобгарликка тортиш чоралари кўрилди. Иккинчидан, ҳуқуқ-тартибот идораларининг наркотикига аралашган ходимлари аниқланиб, жавобгарликка тортилди. Учинчидан, аҳоли ўртасида тарғибот тадбирлари кучайтирилди. Вилоят телевиденисида ҳуқуқий мавзудаги «Криминал хабарлар» кўрсатуви, вилоят прокуратурасида зулуксиз ишловчи 777 рақамли ишонч телефони ташкил этилди.

Прокуратура ташаббуси билан «Гиёҳвандлик — аср вабоси», «Жаҳолат» номли видеофильмлар яратилиб, марказий ва маҳаллий телевидение орқали ҳамда ўқув муассасаларида намойиш қилинмоқда.

Гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноят ишларини маҳаллалар, ўқув юртларидаги сайёр суд мажлисларида кўриш ташкил этилди. Натижада вилоятда гиёҳвандлик жиноятлари йилдан-йилга камайиб бормоқда.

Сўхбатда «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни юзасидан вилоятда амалга оширилган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Шу билан бирга, меҳмонлар вилоят прокуратурасидаги матбуот маркази, ходимлар учун ташкил этилган кутубхона ва спорт объекти билан танишдилар.

Шу куннинг ўзида ЕХХТ вакиллари вилоят ҳокимининг ўринбосари М.Шарипов, Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг Хоразм вилояти минтақавий вакили М.Юсупов ва Жиноят ишлари бўйича вилоят суди раиси С.Ҳўжамуратовлар билан ҳам учрашдилар.

И.ИБРОХИМОВ, «Нуқуқ» муҳбири

FARMON VA IJRO

БАРЧА БИРДАЙ КЎМАҚДОШ

КИШИ бирор хатога йўл қўйса-ю, бундан пушаймон бўлса шунинг ўзи унинг яхши инсон эканлигидан далолат беради. Жамиятимизда эса бундайлар кўп. Қилган жинояти учун жазони ўтаётганларнинг аксарияти айбини ювиш, жамиятга қайтиб, унда ўз ўрнини топиш умиди билан яшайди. Уларга юқоридаги мақсадга эришиш учун ҳуқумат ва жамият тарафидан берилган имконни 2003 йили эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 11 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги фармон мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Мазкур фармонга асосан кўп кишилар жазони ўташ жойларидан қайтиб оиласи бағрини тўлдирдилар. Улар ижтимоий ҳаётга тўла мослашиб олишлари учун мутасадди ташкилотлар зиммасига муҳим вазифалар юклатилди. Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туман меҳнат бўлимига жазони ўташ жойларидан қайтган 101 киши мурожаат этди. Уларга ёрдам кўрсатиш мақсадида туман ИИБ, прокуратура, тиббиёт, меҳнат бўлими бошлиқлари ҳамда маҳалла раислари иштирокида тезкор йиғилиш ўтказилиб, вазифалар белгилаб олинди.

Туман меҳнат бўлими раҳбари М.Каримовнинг маълумот беришича, бугунга келиб бўлимга мурожаат этган 101 кишидан 75 таси ишга жойлаштирилган, 5 нафари ўқишга юборилган. Ноигронларнинг ҳўжжатлари тикланиб, касаллар даволаш муассасаларига юборилган.

Бу жараёнда маҳалла оқсоқолларининг фаол иштирок этганини таъкидлаш жоиз. Зеро, ёшларга ҳар жиҳатдан ибрат бўлиш, адашганларга панд-насихат қилиб тўғри йўл кўрсатиш қарияларимизга хос фазилатдир.

TADBIR

СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ

АНДИЖОН вилояти прокуратураси томонидан тергов органларини соҳадаги илғор иш услублари, фан-техника янгилликлари билан яқиндан таништиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Ўтган ҳафтада вилоят прокуратурасида ДНК экспертизаси тайинлаш асослари, унинг шахсга қарши қаратилган оғир жиноятларни тергов қилишдаги роли ва аҳамияти, жиноятларни фош этишда техник воситаларнинг қўлланилиши юзасидан республика тиббий экспертиза маркази мутахассислари А.Нурриддинов ва Н.Раҳматуллаевлар иштирокида семинар машғулоты ўтказилди.

Семинар кизгин мулоқот тарзида ўтказилиб, берилган саволларга аниқ жавоблар олинди.

▼ IQTISODIYOT SHORRAHALARIDA

Ҳар қандай давлатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг жаҳон стандартлари талабига мос бўлишига эришиш энг устувор мақсадлардан ҳисобланади. Бу борада муваффақиятни кўлга киритиш мамлакатнинг халқро бозорда муносиб ўрин эгаллашида муҳим рол ўйнайди. Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаш ва маҳсулот сифатини бошқариш тизимларининг илмий асосларини такомиллаштирмасдан туриб, маҳсулот сифати ҳамда рақобатбардошлигини таъминлаш муаммосини ҳал қилиб бўлмайд.

«Ўзстандарт» агентлиги бош директори Раҳимберди БҮРИЕВ муҳбиримизга бу борада республикамизда амалга оширилаётган ишлар ва агентлик олдида турган вазифалар ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Аввало изоҳ сифатида айтиб ўтиш кераки, стандартлаштириш — ҳақиқатан мавжуд ёки келиб чиқиши мумкин бўлган масалаларда меъёрий ҳужжатлар орқали умумий ва кўп маротаба қўлланадиган талабларни ўрнатиб йўли билан оптимал тартибга эришишга қаратилган фаолиятдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда халқро талабларга мувофиқ келадиган стандартлаштиришнинг қонуний ва меъёрий базаси яратилган. Яъни, «Стандартлаштириш тўғрисида»-ги, «Метрология тўғрисида»-ги, «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»-ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги, «Озик-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»-ги, «Ёқилги-энергетик ресурсларни тежаш тўғрисида»-ги қонунлар, «Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида»-ги, «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартла-

СТАНДАРТ КАФОЛАТ ДЕМАКДИР

рини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»-ги ҳукумат қарорлари қабул қилинган.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2003 йил 3 октябрда қабул қилинган «Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорга мувофиқ товар ва хизматларни сертификатлаштириш ҳамда аккредитациялаш функциялари давлат назоратидан ажратиб қўйилди. Бу эса мазкур йўналишларни такомиллаштиришга имкон берди. Натижада

тириш бўйича ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга амал қилинишини таъминлаш, бусоҳада ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, халқро стандартларнинг ягона информацион базасини яратиш ва ҳоказолардан иборат.

Бугунги кунда республикамизда 78 та сертификатлаш идораси ва



даражаси бозор томонидан белгиланади ва ташкилотлар ихтиёрий равишда, фақат истеъмолчи талаби даражасидagi сифатга эришишга ҳаракат қилади.

Стандартлаштириш соҳасида тегишли тайёргарликдан ўтган ҳамда юқори малакага эга бўлган мутахассисларсиз қўтилган натижага эришиш қийин. Шу боис кадрлар тайёрлаш ишлари «Ўзстандарт» агентлиги тизими доирасида, Тошкент давлат техника университетида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистоннинг миллий эталонлар базасини яратиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, шу мақсадда сотиб олинган 70 дан ортиқ эталон ва юқори аниқликдаги ўлчаш воситалари давлат метрология хизматига, ўн минглаб ўлчаш воситалари «ЎзДЭУавто», «Самкочавто» қўшма корхоналари, Бухоро ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводлари, «Навоийазот», Шўртан газ-кимё мажмуаси каби улкан

294 та синов лабораторияси фаолият кўрсатмоқда. Айни вақтда Ўзбекистондаги маҳсулот ва хизматларнинг хавфсизлиги ва рақобатбардошлигини таъминлаш тизимининг меъёрий ва услубий базаси такомиллаштирилмоқда.

Халқро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида «Ўзстандарт» агентлиги Стандартлаштириш бўйича халқро ташкилот (ИСО) ва Қонунлаштирувчи метрология бўйича халқро ташкилотга (МОЗМ) аъзо бўлди. Бир қанча давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича битимлар имзоланди.

Ўзбекистоннинг халқро меъёрлар билан уйғунлаштирилган сертификатлаштириш миллий тизими ва стандартлаштириш давлат тизими ички бозоримизга сифатсиз товарларнинг кириб келишининг олдини олиши ва истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилиш билан бирга мамлакатимиз товарларининг ташқарига чиқишига ва савдодаги техник тўсиқларни бартараф қилишга кўмаклашди. Шу мақсадда «Ўзстандарт» агентлиги республикамиз корхоналарида ИСО-9000 серияли халқро стандартларнинг талаблари асосида сифатни бошқариш тизимини жорий этишга эътибор берапти. Бу тизим маҳсулотларнинг юқори нархларда чет эл валютасига сотилишига, миллий пулимизнинг қадрини оширишига, қўшимча фойдани ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ишчиларни рағбатлантиришга йўналтиришга ёрдам беради.

Айни лойиҳа мамлакатимизнинг 25 та корхонаси халқро сертификат олишга муяссар



бўлди. Халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш эътиборга олинди, «Ўзстандарт» агентлиги томонидан 2003-2010 йилларда халқро амалиётни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда стандартлаштириш, сифатни таъминлаш тизимларини ривожлантириш ва такомиллаштириш концепцияси ишлаб чиқилди.

Халқро амалиётда қабул қилингандек, маҳсулот (хизмат)лар учун стандартлар ишлаб чиқиш фаолиятини электронлаштириш, иқтисодийнинг ҳар бир тармоғида техник кўмиталар, ҳар бир хўжалик юртувчи субъектда стандартлаштириш хизматини тузиш бўйича ҳали кўп иш қилиниши зарур.

Айрим вазирлик ва идоралар маҳсулот сифати масаласига панжа орасидан қараб, стандартлардаги мажбурий талабларни пасайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Ривожланган давлатларда эса маҳсулотнинг сотилиши

саноат объектларининг метрологик таъминоти масаласини ўз вақтида ечишга имкон бермоқда.

Маълумки, «Стандартлаштириш тўғрисида»-ги Қонунга асосан меъёрий ҳужжатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш тақиқланади.

«Ўзстандарт» агентлиги ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар, назорат қилувчи идоралар билан ҳамкорликда ишлайди. Ишда камчиликлар, сифатсиз маҳсулот аниқланган ҳолда агентликнинг 144-76-13 рақамли ёки вилотлардаги «ишонч телефонлари»га мурожаат этиш мумкин. Ҳамкорликдан мақсадимиз эса ягона — миллий маҳсулотларимизнинг сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтаришга эришиш, бозорларимизни сифатли маҳсулот билан тўлдириш ва хорижий давлатларга экспорт қилишга кўмаклашиш. Менимча, бу вазифалар ҳар бир юрtdошимизнинг фуқаролик бурчидир.

Дилшод ИСЛОМОВ ёзиб олди



▼ QADRIYAT

Узоқ ўтмишга, шонли тарихга эга миллатлар қатори ўзбек халқи ҳам бой маънавий ва моддий қадриятларга эга. Миллий қадриятларини эъзозлаган халқ эса барҳаётир.

Биз миллий қадриятлар деганда муайян миллат учун моддий ёки маънавий қадр-қимматга эга бўлган, унинг таракқиёти учун ҳаياتига молик бўлган тушунчаларни назарда тутамиз.

Бундан ўн икки йил илгари халқимиз тафаккурининг маҳсули сифатида дунёга келган Ўзбекистон Конституцияси ҳам халқимиз қадриятлари қаторидан жўр олди. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси ўзида жаҳон ҳамжамияти тан олган қадриятларни, шу билан бирга ўзбек халқининг миллий ривожланиш хусусиятларини, қадриятларини, бошқача айтганда менталитетини ақс эттириши керак эди. Шунга муваффақ бўлинди ҳам.

Конституцияимизнинг муқаддимасида халқимиз ўзбек давлатчилиги

ривожининг тарихий тажрибасига таянган ҳолда мазкур ҳужжатни қабул қилганлиги қайд этилиши ҳам беҳисобга эмас. Тарихда ўзбек давлатининг Асосий қонуни буюк бобомиз Соҳибқирон Амир Темуру номи билан боғлиқ. У томонидан яратилган давлатни бошқаришдаги асосий қонун — «Темуру тузуқлари» тарихий аҳамиятга эга ҳуқуқий ҳужжатдир.

«Тузуқлар»да давлат бошқаруви ва одил судловнинг ташкил этилишига қучли эътибор қаратилди. Шу билан бирга, унда ўша давр ихтимойий-

ҚАДРИЯТЛАР ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ

сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётининг барча жабҳалари қамраб олинган бўлиб, асосий мақсад «куч адолатда» мафкурасига йўналтирилган. Шубҳасиз, мазкур ҳужжат ўз даврининг Конституцияси вазифини ўтаган.

Маълумки, халқимизнинг тарихий-миллий қадриятлари шаклланишида Ислому фалсафасининг таъсири ҳам қучли бўлган. Шунини ҳам айтиш ўринлики, халқимиз Ислому фалсафасининг жаҳон миқёсидаги ривожланишига улкан ҳисса қўшган миллатлар сирасига қиради. Президентимиз бу ҳақда: «Ислому дини—ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам аймон ҳам ахлоқ, ҳам диният, ҳам маърифат эҳалигини унутмайлик. Демак, дин

халқ маънавиятининг юксалишига улкан ҳисса қўшиб келган экан, бугунги давлатчилигимиз ҳақида сўз юритганда, режалар тузганда энг аввало ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадрият сифатида эътиборда тутишимиз лозим», дейди теран эътирофу билан.

Асосий Қонунимизда белгилаб қўйилган бир неча ҳолатларга эътибор қаратайлик. 14-бобда оила институтининг қадр-қиммати қонуний равишда мустаҳкамлаб қўйилган. Халқимизда азиздан оила муқаддас саналиб келинганлигини исботлаб ўтиришга ҳожат бўлмас керак.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий ролиги ва тенг ҳуқуқчилиги асосланиши (63-модда) Асосий Қонунимиз

да мустаҳкамлаб қўйилганки, Ҳадиси шарифда ҳам бу тамойил улуғланган.

Бундай мисолларни қўлаб келтириш мумкин.

Бугун давлат сиёсати даражасига кўтарилинган қонунлар ҳам тарихий қадриятларимиз билан уйғунлашиб кетган. «Юртбошимиз ташаббуси билан 2004 йилнинг «Меҳр ва муруват йили» деб эълон қилиниши, мазкур йўналишда олиб борилаётган амалий ишларни ҳам шулар қаторига қўшиш мумкин. Эер, меҳр-муруват, саховат ва оқибатлилик халқимизнинг азалий қадриятларидир.

Раҳван УМАРОВ, Тошкент шаҳар прокурорининг қатта ёрдамчиси, адиля кичик маслаҳатчиси

САҲИФАМИЗ МЕҲМОНИ:

РЕСПУБЛИКА БОШ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ СУДЛАРДА ХҲЖАЛИК ИШЛАРИ КҮРИЛИШИДА ПРОКУРОР ВАКОЛАТИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЛИМИ

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судларга даъво аризалари киритиш Республика прокуратура идоралари фаолиятининг асосий бўғинларидан бирини ташкил қилади. Утган 2003 йил давомида прокурорлар томонидан хўжалик судларига умумий суммаси 44,4 млрд. сўмлик 4247 та даъво аризаси киритилиб, шундан 30,1 млрд. сўмлик маблагларни ҳисобот йили якунига кўра ҳақиқатда ундирилишига эришилган.

НИЗОНИ ТЎҒРИ ҲАЛ ЭТИШ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Шу давр мобайнида хўжалик судларининг 1-босқичида кўрилган 46.291 та ишнинг 63,4 фоизда, муҳим тоифадаги 14.514 та ишнинг 89,6 фоизда прокурор иштироки таъминланган. Апелляция тартибиде 1788 та иш кўрилиб, уларнинг 93,3 фоизда прокурор иштироки таъминланди.

Прокурорлар томонидан ноқонуний суд қарорларига нисбатан 447 та апелляция протести келтирилиб, 411 таси ёки 91,9 фоизи қаноатлантирилган, апелляция протестларининг самарадорлиги 64,7 фоизни ташкил қилган. Утган даврда прокурорлар томонидан 222 та кассация протести келтирилиб, самарадорлик 29 фоизни ташкил қилган.

Суд қарорларини қонунга мувофиқлаштириш мақсадида Олий ҳўжалик суди раёсатига назорат тартибиде 15 та протест киритилган.

Шу билан бирга прокурор иштироки таъминланмаган ишлар бўйича чиқарилган асоссиз суд қарорлари юқори суд инстанцияларида томонларнинг шикоятига асосан ҳам бекор бўлмоқда.

Жумладан, «Гавҳархон» хусусий фирмаси Тошкент шаҳар хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Тошкент вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш хўдудий бошқармасининг 2003 йил 8 апрелда чиқарилган қарорини ҳақиқий эмас деб топши ҳамда шу қарорга биноан ундирилган 2.267.500 сўм жаримани қайтаришни сўраган. Хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан даъво рад этилган.

Даъвогарнинг ҳал қилув қароридан норози бўлиб берган шикоятга асосан иш 2003 йил 11 июль кунини апелляция босқичида кўрилиб, суднинг асослантирилмаган ҳал қилув

қарори бекор қилинган ва даъвогарнинг талаби қаноатлантирилган.

Ёки бўлмаса, давтогарлар «Шоҳ» агрофирмаси МЧЖ (Самарқанд) ва «Бонита Холдингс ЛЛС» компанияси (АҚШ) «Балтимор-Челак» кўшма корхонаси, «Балтимор-Москва» МЧЖ, «Балтимор-Фаллаорол» шўба корхонаси ва «Балтимор-Самарқанд Ком» кўшма корхоналарига нисбатан даъво аризаси билан Самарқанд вилоят хўжалик судига мурожаат қилиб унда «Балтимор-Челак» кўшма корхонаси таъсисчилар мажлисининг 3 та баённомасини бекор қилишни сўраган. Вилоят хўжалик судининг 2002 йил 17 декабрдаги ажрим билан давронинг дивиденд ва бой берилган фойдани ундириш ҳақидаги қисми алоҳида иш юритивга ажратилиб, давронинг қолган қисми тўлиқ қаноатлантирилган. Жавобгарларнинг бундан норози бўлиб апелляция инстанциясига берган шикоятга асосан ҳам бекор бўлмоқда.

Иш ҳужжатларига қараганда, даъво аризасини «Бонита Холдингс ЛЛС» компанияси номидан имзолаган адвокат В. Леонтьевнинг ишончномасига кўра, унга даъво аризасини имзолаш ҳуқуқи берилмаганлиги, бундан ташқари «Консуллик легализацияси ҳақида»-ги йўриқноманинг 4-бандига эйд равишда ишдаги ишончномалар консуллик легализациясидан

ўтмаганлиги суднинг эътиборидан четда қолган. Натижада жавобгарларнинг шикоятига асосан Олий ҳўжалик суди кассация инстанциясининг 2003 йил 6 мартдаги қарори билан кўйи босқич суд қарорлари «Бонита Холдингс ЛЛС» компанияси талабларининг қисми бўйича бекор қилиниб, «Шоҳ» агрофирмаси МЧЖнинг давроси қисми бўйича келишув битими тузилганлиги сабабли иш юритувдан тугатилган.

Қилинган ишлар билан бир қаторда жойларда айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон республикасида табиатга етказилган зарарни ундиришга доир бирорта даъво киритилмаган. Ваҳоланки, Орол денгизи муаммоси билан боғлиқ бўлган худуддаги экологик вазият анчайин мураккаб эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Амалга оширилган ишларга танқидий нўқта назардан ёндошган ҳолда фаолиятда йўл кўйилган камчиликларни бартараф этиш ва уларга келгусида йўл кўймаслик мақсадида жойларга зарурий тавсиялар берилди.

Авазбек ҚОДИРОВ,
Республика Бош
прокуратурасининг бўлим
бошлиғи вазифасини бажарувчи



Бўлим ходимлари тезкор йиғилиш ўтказмоқда.

апелляция инстанциясининг қароридан норози бўлиб, кассация шикояти ёзган.

Олий ҳўжалик суди кассация инстанциясининг 2002 йил 17 майдаги қарори билан апелляция инстанциясининг қарори бекор қилинган ва биринчи босқич судининг 29 январдаги ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра,

ёнгин хавфсизлиги тизими ва технологик ускуналарни ўрнатиш ва бошқа жами 12.032,100 сўмлик ишларни амалга ошириш мажбуриятини олган. Барча ишлар тасдиқланган смета асосида бажарилган шўҳда далолатномага асосан қабул қилиниши назарда тутилган.

Шундан сўнг корейлик ҳамкорлар ўзларининг улуши сифатида 210.820 АҚШ долларлик ускуна-

ЕР ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Ҳозирги вақтда республикада хўжалик юритиш ва мулкчиликнинг турли шакл ва усулларини жорий қилиш ва ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон аграр давлатлардан саналганлиги ва аҳолининг деярли 65 фоизи қишлоқларда истиқомат қилиши сабабли амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг муваффақияти ҳам қишлоқ хўжалиги билан бевосита боғлиқдир. Шу босқич ҳам қишлоқларда босқичма-босқич мулкдорлар синфи шакллантирилиб, дехқон-фермер хўжалиқлари ташкил этилмоқда ва бу борада кўп қабил қонунлар қабул қилинмоқда. Президентининг «2004-2006 йилларда фермер хўжалиқларни ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги фармонининг қабул қилиниши ҳам фикримизнинг яққол далилидир.

Истиқлол йилларида ишбилармонлик ҳаракати халқимиз ҳаётига чуқур сингиб бормоқда.

Бирок, айрим худудларда қонун ва меъриий ҳужжатларнинг тўғри татбиқ қилинмаслиги, шартномага риоя этмаслик фермер хўжалиқларининг фаолиятига тўсқинлик қилмоқда.

Жумладан, «Тошев Суюн» фермер хўжалиги Қашқадарё вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Чирочки туман ҳўкимининг 2003 йил 21 февраль кунги қарори билан унга берилган 18 га ерни «Хуррам ота» фермер хўжалиги асоссиз эгаллаб олгани учун эғалик ҳўқуқини тиклаб, ерни қайтариб олиб беришни сўраган.

«Хуррам ота» фермер хўжалиги «Меҳнатобод» фермерлар уюшмасига қарашли 229-контурдан 60 га лалми ер ажратиб берилган бўлиб, фойдаланиб келинаётган ер туман ер тузиш хизмати мутахассислари томонидан қайта ўлчовдан ўтказилганда фермер хўжалиги ортқича ердан ноқонуний равишда фойдаланиб келаятигани аниқланган. Қашқадарё вилоят хўжалик суди ва Олий ҳўжалик судининг қарорлари билан «Тошев Суюн» фермер хўжалигининг даъвоси қаноатлантирилди.

Х. АЮБОВ,
бўлим прокурори

ДАЪВО ҚАНОАТЛАНТИРИЛДИ

«Eniliteх» МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон-Жанубий Корея кўшма корхонаси 2000 йил 6 январда Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган. Корхонанинг низоми жамғармаси 300 миң 820 АҚШ доллар миқдориде белгиланган.

Корхона таъсисчилари умумий йиғилишининг баённомасида ҳамда таъсис ҳужжатларида чет эл томини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун қиймати 210.820 АҚШ долларига тенг бўлган асбоб-ускуналарни низоми жамғармасига далолатнома асосида топшириш, ўзбекистонлик таъсисчи — «Энергия гуруҳи» МЧЖ эса ишлаб чиқариш ва ёрдамчи иншоотларни таъмирлаш,

ҳўжалик юриридан, Корхона 2001 йили июнига фаолият кўрсатган бўлсада, ушбу ускуналарни кўшма корхона низоми жамғармасига улуш сифатида топшириш ҳақида хорижий таъсисчи ҳамда кўшма корхона ўртасида шу кунга қадар далолатнома тузилмаган. Шўнга қарамай «Энергия гуруҳи» МЧЖ томонидан амалга оширилган 9.009.391 сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари далолатнома асосида кўшма корхона собик директори Р.Х.Махмудов томонидан ўзи тасдиқлаган смета асосида бажарилган ишларнинг ваколатига кирмаган ҳолда қабул қилиб олинди, низоми жамғармасига киритилган. Хорижий

ҳўжалик юриридан қурилиш нақд пул билан киритиш кўзда тутилмаган. «Энергия гуруҳи» эса низоми жамғармасига киритиши керак бўлган улушининг қолган 3.585.830 сўмининг нақд пулдан, шўндан 3.085.830 сўмини бир йиллик муддат ўтиб кетганидан кейингина низоми жамғармасига ўтказиб, уни шакллантириш учун қонунчилиқда кўзда тутилган бир йиллик муддатга амал қилмаган.

Фуқаролик кодексининг 53-моддасида юридик шахс давлат рўйхатдан ўтказилгандан пайтдан бошлаб бир йил ичида низоми жамғармаси таъсис ҳўжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантирилмаган тақдирда, қонун ҳўжат-

ларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, шўнингдек ушбу кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда суд қарори билан тўғатилиши кўрсатилган.

Шў сабабли Адлия вазирлиги Тошкент шаҳар ҳўкимлигининг қорхоналарни тўғатиш бўйича комиссиясидан «Eniliteх» кўшма корхонаси фаолиятини давом эттириш мақсада мувофиқ эмаслиги тўғрисида хўлоса олгандан сўнг амалдаги қонунлар доирасида хўжалик судига даъво ариза берган. Шўндан сўнг эса юқорида гувоҳ бўлганингдек, низо суд инстанцияларида ўзининг қонуний ечимини топмасдан қолверган.

Нўҳят, Республика Бош прокуратураси томонидан Олий ҳўжалик судининг раёсатига назорат тартибиде протест киритилиб, унда Олий ҳўжалик суди кассация инстанциясининг 2002 йил 17 майдаги қарорини бекор қилиш, апелляция инстанциясининг 2002 йил 4 апрелдаги қарорини ўзгартириш қолдириш сўраган.

Олий ҳўжалик суди раёсати 2004 йил 5 февралда ушбу протестни кўриб чиқиб, даврони тўлиқ қаноатлантириш ҳақида қарор қабул қилди. Қарийб уч йилдан бўён давом этиб келаятган баҳсли иш шу тарзда қонуний ечимини топди.

У.САЙФИДДИНОВ,
бўлим прокурори

SIRLI OLAM

Нацистлар Германиясининг кулашига қадар унинг ҳукмдорлари уйдирланган 7,5 млрд. долларга тенг олтин ва юзлаб ноёб санъат асарларини беркитиб келдилар. Бу бойликларнинг катта қисми ҳали ҳам топилмаган. Бироқ 1990 йилда АҚШнинг Техас штатида кўтилмаганда баъзи хазиналар топилди.



НАЦИСТЛАР БОЙЛИГИ

— Бомбалар ташлансин! Люклар ёпилсин! Тезроқ кетдик бу ердан! — деб бақирди Америка ҳаво қўшинларининг ёш учувчиси. 950 та бомбардимончи самолёт 2265 тонна бомбани Германия пойтахти Берлинга ёғдирди. 1945 йил 3 февралдаги бомба ташлаш Иккинчи жаҳон урушидаги энг дахшатлиларидан бири бўлган. 2000 одам қурбон бўлди, 120.000 киши бошпанасиз қолди. Кўплаб ҳукумат бинолари, жумладан Адольф Гитлернинг девон-хонаси ҳам бутунлай кулаб тушди.

Уша дахшатли шабада ҳамма ишда эди. Германиянинг энг асосий банки Рейхсбанк биносининг бункерларида 5000 нафар хизматчи кундалик иш билан машғул эди. Рейхсбанк устига 21 та авиабомба ташланди. Бир зумда ҳашаматли бино ер билан яқсон бўлди. Банк хизматчиларидан ҳеч ким, жумладан унинг машҳур президенти Вальтер Функ ҳам ҳужум оқибатида ҳалок бўлмади. Бироқ агрессор давлатнинг молявий марказига қаратилган бу ҳужум тарих саҳифаларида шу кунгача сирли бўлиб келаётган воқеаларнинг бошланишига сабаб бўлди. Иттифоқчилар армияси мамлакатга кириб келиши билан Германия ўз бойликларини ҳавфсизроқ жойга олиб чиқиб кетиши кутилган эди. Лекин нафси чегара билмаган амалдорлар қулай вазиятдан фойдаланиб захирадаги бойликлардан ўзига кўпроқ олиб қолишга ҳаракат қиладилар ва ўғирланган олтин ҳамда валюталарни шундай берkitдиларки, уларни шу кунгача ҳеч ким тополгани йўқ.

Рейхсбанк сейфларида Германия бойлигининг асосий қисми сақланарди. Бугунги нарҳларда бу бойлик тахминан 7,5 млрд. доллар ва эквиваленти 1,5 млрд. долларлик Италия тилласига тенг келади. Доктор Функ бузилиб ётган банкка бир марта назар ташлаши биланок унинг юқори лавозимли ходимларини банк фаолиятини давом эттириш учун бошқа шахарларга ишга жўнатди. Банкдаги бойликларни эса жануби-ғарбий йўналиш бўйича Берлиндан 300 километр узоқликдаги шахтага олиб боришларини буюрди.

«Кайзерод» шахтаси бойлик беркитиш учун мукамал жой эди. Чуқурлиги 800 метр, унга энг яқин шахарча эса 50 километр узоқликда жойлашган. Шахтадаги ерости йўлларининг умумий узунлиги 55 километрни ташкил қилиб, унинг 5 та алоҳида кириш йўллари бор эди. Нацистлар бойлигининг асосий қисмини, яъни 100 тонна олтин ва 1000 қоп пулни махфий кўчириш учун 13 та вагон керак бўлди.

Бироқ ордан етти ҳафта ўтгач,


ИЗЧИЗ ЙЎҚОЛГАН БОЙЛИКЛАР

генерал Ж.Паттон қўмондонлигидаги Американинг 3-армияси шу ҳудудга яқинлашиб қолган эди. Немислар бойликларни кўчириб кетиш учун етарлича вагон топа олмадилар, шунга қарамай Рейхсбанк ходимлари 450 қоп пулни олиб кетишга улгуришди.

4 апрелда бу жойларга америкаликлар етиб келдилар. Икки кун ўтгач ҳарбий патруль қилшоқ йўлида франциялик иккита аёлни учратиб қолди. Мазкур ҳудудда аҳоли юриши мумкин эмаслиги сабабли ҳарбийлар аёлларни қайтариб Мерксер шахрига олиб кетдилар. Машина «Кайзерод» олдидан ўтиб кетаётганда аёллардан бири «бу ерга немислар олтинларини берkitган» деди.

7 апрелда америкалик аскарлар 640 метр чуқурликка тушдилар ва немислар қолдириб кетган 550 қоп, миллиардларга тенг рейхсмаркаларни топишди. Кейинги 8-рақамли хонага кириш учун пўлат эшик портлатилди. Аскарлар узунлиги 46, эни 23 ва баландлиги 3,5 метр бўлган залга киришди. У ерда 7000 та рақамланган қоплар тахланган эди. Ер остида жами 8527 та олтин қўймаси, Франция, Швейцария ва АҚШдан келтирилган олтин тангалар, шу давлатларнинг пачка-пачка қоғоз пуллари топилди. Олтин-кумуш идишлар уйилиб ётарди. Ўнлаб жомадонлар ўлим лагерларига жўнатилган маҳбуслардан олиб кўйилган бриллиант, гавхар ва бошқа қимматбаҳо тошларга тўла эди. Жомадонлар ёнида тилла тиш ва пломбаларга тўла қоплар ётарди. Булардан ташқари у ердан Англия, Норвегия, Туркия, Испания ва Португалия пуллари топилди. Шахтадаги барча топилмаларни кўшганда «Кайзерод»ни ўша даврда дунёдаги энг катта хазина деб ҳисобласа бўларди. У ерда Германиянинг уруш охиридаги олтин ва валюта захирасининг 93,17 фоизи сақланган.

Бироқ топилмалар бу билан



Шахтадан топилган санъат асарлари

яқунлангани йўқ. Бошқа туннеллардан умумий оғирлиги 400 тоннага тенг қимматбаҳо санъат асарлари топилди. 15 та немис музейидан олиб келинган расмлар ва Гёте ҳамда Веймар клубхоналаридан келтирилган қимматбаҳо китоблар шулар жумласидандир. Қўриқчиларнинг кучли назорати остида «Кайзерод»дан топилган бойликлар 11.750 та яшиқка жойлаштирилиб, 32 та ўн тонналик юк машиналарига ортилди. Бойликлар Рейхстагнинг

Франкфуртдаги филиалига жойлаштирилди. Бойликларни кўчириш пайти битта юк машинаси йўлда йўқолиб қолган деган гап бор, бироқ бу уйдирма холос.

ЙЎҚОЛГАН ХАЗИНАЛАР

Гитлерчилик тарғиботининг бошлиғи Йозеф Геббельснинг айтишича, Функ ўз вазифасини бажармай жиний ишга қўл урганлиги сабабли рейхнинг бойликларини душман қўлига тушарди. Бироқ фюрер бойликларни кўчириш гоёсини қўллаган. Аслида бу гоё унинг шахсий қўриқчиларидан бўлган полковник Фридрих Йозеф Раухга тегишли. Шахталарга, қўл туби-ю жанубий Бавариянинг тоғларида жойлашган бошқа махфий жойларга ўз бойликларини олиб чиқиб кетаётган гестаподан ўрناق олган полковник Раух ҳам Рейхстагнинг расмий захиралиридан қолган 6,83 фоиз олтинни Баварияга олиб чиқиб беркитиш керак деган таклифни айтди. Агар бу олтин қўйма ва тангаларни бугунги нарҳга чақса, тахминан 150 млн. долларни ташкил қиладди.

Валютани иккита поездга, олтин қўйма ва тангаларни эса машиналарга ортишди. Йўлда доктор Функнинг ҳаммаси Ханс Альфред фон Розенберг-Липински қопдаги пуллари поезддан олиб машиналарга ортишни буюрди. Хуллас, юкни машиналар Бавария тоғларида жойлашган кичкина шахарчага етиб келади. Поездлар эса Мюнхен томон йўлни давом эттирадилар.

Розенберг-Липински «маълум сабабларга кўра» бир қоп валюта ва бешта ўртача катталиқдаги яшиқни ўзига қолдиради. Банк бошқарувчиси бу ҳаракати билан қолган умрини камчиликларсиз ўтказиш учун тайёргарлик кўрган деган тахминлар мавжуд.

Ундан бошқалар ҳам ўрناق олишади. Бойликлар ортлган машиналар пидёда аскарларнинг ўқув маркази томон силжийди. У ёқдан бу ёққа сангивеериб тоқати тоқ бўлган офицерлар бир-бирлари билан бойликларни қаерга беркитиш ҳақида баҳслашаётган бир пайтда Рейхсбанк ходими Эмиль



Рейхстаг биноси

малари ва анчагина валюта Карл Якоб исмли кишининг қўлига тушади. Шундан сўнг уларни ҳеч ким кўрмайди.

Ордан кўп вақт ўтмай доктор Функ ва нацистларнинг қолган бошлиқлари иттифоқчилар томонидан ҳибсга олинди. Бироқ улардан ҳеч қайсиси олтинлар қаерга берkitилганини айтмади. Барибир америкалик аскарлар Рейхсбанка тегишли 14 млн. долларлик, Германиянинг бошқа идораларига тегишли 41 млн. долларлик олтинни топишга муяссар бўлдилар. Бироқ «Урмон уйчаси» яқинига берkitилган бойликлар топилмади. Тўрт йил мобайнида америкалик терговчилик қатийлик билан бу сирни очишга уринишди. Охириқибат улар ўз кўрсатмаларида 3,5 млн. долларга тенг олтин ва 2 млн. долларга яқин пул (бугунги нарҳларда тахминан 46,5 ва 12 млн. долларга тенг) исзис йўқолганлиги ҳақида хабар беришга мажбур бўлдилар.

ГОЛИБЛАР УЛУШИ

Олтин, пул ва ноёб санъат асарлари «ўз оёғи» билан қўлга келиб тушаётган қулай вазиятдан фалат немисларгина фойдаланишмаган. Германия бойликларига жуда эҳтиёткорлик билан қарайдиган генерал Паттон шундай дер эди: «Мен кимлардир кўрнамак Паттон мисқолча бойликни ўзига олиб қолди деб гапиришини хоҳламайман». Америкалик кўпгина аскарлар беғоналарнинг бойлигини осонликча қўлга киритадилар. Санъат асарларининг АҚШга олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқ 300 та ҳолат аниқланган. Қўлга тушганларни суд қилишарди, қамашарди ёки ҳарбий унвондан маҳрум қилиб шармандаларча ҳарбий хизматдан ҳайдашарди.

Шунга қарамай, 1990 йилда бутун дунёни ҳайратга солувчи хабар тарқалди. Германиядан олиб кетилган бойликлар шахси аниқланмаган ҳарбий ветераниннг Техасда истиқомат қилувчи меросхўри томонидан сотувга қўйилганди.

Қадимги жиҳозлар дўконининг эгаси Ж.Мидор ўзида IX асрга тегишли «Инжил» қўлёзмасини сақларди. Далласдан 100 километр узоқликда жойлашган Уайт-райт шахарчасида яшайдиган меросхўр қўлёзмани дўстлари ва қариндошларига мактаниб кўрсатарди. Муқоваси олтин ва кумуш-

дан ишланган қадимги қўлёзма Германиянинг Кведлинбург шахарчасидаги черковга тегишли эди. Кутилмаганда қўлёзма Швейцарияда сотувга қўйилди.

Нархи 30 млн. долларлик қўлёзма ўз ичига тўртта «Инжил»ни жамлаган бўлиб, император учун олтин ҳарфлар билан ёзилган эди. X асрга келиб император Оттон III уни черковга совға қилган.

Мидорнинг хазинаси орасида 1532 йилга таалуқли олтин ва кумушдан ишланган қўлёзма ҳам бор эди. Ундан ташқари IX-X асрда олтиндан ясалиб, қимматбаҳо тошлар билан безатилган қўти ҳам бўлган. Бироқ ундаги энг қиммат нарсга тоғ биллиридан ясалган идиш эди. Тахминларга қараганда унда Биби Марьямнинг соч толалари сақланган. Қимматбаҳо буюмлар орасида олтин хоцлар ва XII асрга таалуқли Генрих I га тегишли тож ҳам бўлган. Бу бойликлар Кведлинбург черковидан олиб чиқилиб, шахтага берkitилганди. Америка

ҳарбийларининг ҳужжатларига ишонадиган бўлсақ, 1945 йилнинг апрелида расмий вакиллар хазинани топганида бойликларнинг барчаси жойида эди. Бироқ бир неча кун ўтиб қимматбаҳо буюмларнинг бир қисми йўқолганлиги аниқланди. Дарҳолқ

бошланиб, тўрт йил давом этган тергов ишлари ҳеч қандай натижа бермади.

Тахминларга кўра, ўша пайтда Америка армиясининг лейтенанти Жо Мидор қимматбаҳо буюмларни қўлга киритиб, АҚШга олиб кетишга муяссар бўлган. Бу билан лейтенант 20-асрдаги санъат асарларининг энг катта ўғирлигига қўл ургандини сезмаган ҳам бўлса керак. У уйга қайтгандан сўнг расм ўқитувчиси бўлмокчи эди. Лекин тақдир таказоси билан оилавий бизнесни давом эттириб, қадимги жиҳозлар дўкониди ишлади.

Мидорнинг ўлимидан сўнг унинг меросхўрлари Кведлинбургдан олиб чиқиб кетилган буюмларни сотувга қўйишди. АҚШнинг солиқ бошқармаси ва ФБР мазкур ҳолат юзасидан терговни бошлашди. Ойлар давомида олиб борилган ҳуқуқий тортишувлардан сўнг меросхўрларга барча буюмлар учун 2,75 млн. доллар тўланди. Бироқ меросхўрлар битта «Инжил»нинг юзига номаълум харидордан қўриқдаги суммадан бир млн. доллар кўп гаров пули олишган эди. Кўпчилик меросхўрларга нисбатан қилинган бу чорани адолатсизлик деб ҳисоблайди.

1992 йилда қимматбаҳо буюмлар Германияга қайтариб берилди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида Жаҳонгир МАХСУМОВ тайёрлади



IX асрга тегишли «Инжил» қўлёзмаси

